

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

### ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИГА УЛАШ ТАРТИБИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ВА БИЗНЕС МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида» 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон [карорига](#) мувофиқ тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш ва электр ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш тартибини соддалаштириш, муддатларини қисқартириш ва сарф-харажатларни оптималлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. 2020 йил 1 марта бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

электр энергиясининг барча истеъмолчиларига ўрнатилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини даврий қиёслашдан ўтказиш учун «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ва унинг таркибидаги ташкилотларга түғридан-түғри мурожаат қилиш ҳукуқи берилади;

«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ва унинг таркибидаги ташкилотларга түғридан-түғри мурожаат қилинганда, қиёслашдан ўтказиш бўйича барча харажатлар мазкур ташкилотларнинг ўз маблаглари ҳисобидан қопланади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси доирасида назарда тутилган истеъмолчиларнинг мазкур тизимга мос келмайдиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини даврий қиёслов муддати келганда, ушбу приборларни қиёсловдан ўтказмасдан ўрнига автоматлаштирилган тизимга мос келувчи приборлар ўрнатилади;

электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини истеъмолчиларни мурожаатига кўра Давлат хизматлари марказлари орқали фақат электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасининг созлиги ёки қўллашга яроқлилиги, метрологик тавсифлари бўйича мунозарали саволлар туғилганда қиёслашдан ўтказилади.

3. «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг «Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш дирекцияси» масъулияти чекланган жамиятини «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг филиалига айлантириш, штат жадвалини кўпайтириш йўли билан қайта ташкил этиш түғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида» 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон [карорига](#) мувофиқ электр таъминоти тизимида уланиш тартиботларни соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш бўйича норматив-ҳукуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш белгилангандиги маълумот учун қабул қилинсин.

Энергетика вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидагилар назарда тутилган тегишли норматив-ҳукуқий хужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритишни тезлаштирсин:

улаш босқичларини оптималлаштириш ва курилиш муддатларини камида йигирма беш кунга қисқартириш;

тадбиркорлик субъектларининг қуввати 140кВ (160кВА)гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш ишларини амалга ошириш бўйича табакаланган муддатларни белгилаш;

курилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг электр қурилмаларини «тайёр ҳолда» улаш бўйича шартномаларнинг намунавий шаклларини тасдиқлаш;

ўз вақтида курилиш-монтаж ишларини бажармаган ташкилотларнинг мажбурият ва жавобгарлигини белгилаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:

Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга кадар электр таъминоти ташкилотларида янги биллинг тизимини ҳамда ресурсларни бошқариш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш тизими (ERP)ни жорий этиш бўйича танловни белгиланган тартибда ўтказишга доир чораларни қўрсин ва якунланишини таъминласин;

«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ва Адлия вазирлиги билан биргаликда лойиҳалаш, курилиш-монтаж ва электротехника маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларни истеъмолчилар томонидан танлаш имкониятини берадиган ҳамда нархларни рақобат асосида шакллантирадиган онлайн платформа 2020 йил 1 октябрга кадар ишга туширилишини таъминласин.

6. Паст кучланишли электр тармоқларини янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш ишларини жадаллаштириш ҳамда курилиш-монтаж ишларини таннархини пасайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш Дастури тўғрисида» 2016 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2661-сон қарори доирасида Обод қишлоқ, Обод маҳалла, қишлоқ жойларда арzon уй жойлар, шаҳарларда арzon кўп квартирали уйлар қуриш дастурлари, Хукумат топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг худудларга амалга оширилган ташрифлари доирасидаги топшириклар, фуқаролар мурожаатлари асосида паст кучланишли электр узатиш тармоқлари ва трансформатор пунктларини реконструкция қилиш, янгиларини қуриш ишлари бажарилишини назарда тутган манзилли дастур шакллантирилиб, амалга ошириш;

«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти тизимидағи ташкилотлар буюртмасига асосан «Энерго-РЭС» МЧЖ томонидан электр техника усқуналари ва қурилмаларини, шунингдек, бутловчи буюмлар ва материалларни ҳамда импорт товарларини (ишлар, хизматлар)ни марказлаштирилган тартибда харид қилиш;

иктисодий самараадорликни баҳолаган ҳолда «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг худудий электр тармоқлари ташкилотлари таркибида 2020 йилда темир-бетон таянчлари, металл ва бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехлари ва қурилиш бўлинмаларини ташкил этиш;

«Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти тизимидағи ташкилотларга 0,4 — 6 — 10 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари ва трансформатор пунктларини лойиҳалаш ва қуриш ишларини амалга ошириш хуқуқини бериш бўйича таклифлари маъкуллансин.

Энергетика вазирлиги ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти билан биргаликда паст кучланишли тармоқларни янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш бўйича «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти тизимидағи ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишларни қабул қилиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга кадар:

35 — 110 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари ва подстанцияларини 2025 йилларда янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш дастурини;

0,4 — 6 — 10 кВ кучланишли электр узатиш тармоқларини 2021 — 2025 йилларда янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш дастурини молиялаштириш

манбаларини аниқлаган ҳолда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг «Қўшкўпир электротехника заводи» МЧЖ устав капиталидаги «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга тегишли 20,937 фоиз ҳамда «Хоразм ХЭТК» АЖга тегишли 79,063 фоиз улушларни «Энерго-РЭС» МЧЖга баланс (колдик) қийматида сотиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 28 февраль,  
111-сон

(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.02.2020 й., 09/20/111/0241-сон)